// ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ
23-сон (59) 2002 й. декабрь

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**23-сон**
**(59)**
**2002 й.**
**декабрь**

***Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:***

***тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;***

***иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;***

***учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;***

***тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.***

## МУНДАРИЖА

*Иккинчи бўлим*

183. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 декабрдаги ПФ–3168-сон Фармони

184. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 4 декабрдаги ПФ–3170-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

185. «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 421-сон қарори

186. «Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сон қарори

187. «Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 424-сон қарори

188. «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарори

189. «Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 10 декабрдаги 433-сон қарори

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 183 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

**қарор қиламан:**

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:
а) аёллар;
б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;
й) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;
г) 60 ёшдан ошган эркаклар;
д) биринчи марта судланган чет эл фуқаролари;
е) эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар.

2. Биринчи марта уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Иқтисодиёт ва хўжалик фаолияти соҳасида жиноятлар содир этиб, биринчи марта судланган, етказилган зарарни қоплаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:
а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига;
б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.

7. Тадбиқ этилмасин:
а) мазкур Фармон — ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга ҳамда муқаддам афв этиш ёки амнистия

тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан;

б) мазкур Фармоннинг 1-моддаси — қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодексининг 97-моддаси) жиноятини содир этган шахсларга;

в) мазкур Фармоннинг 1-3, 5-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга.

8. Мазкур Фармоннинг 4 ва 6-моддалари Жиноят кодексининг 150-163, 242, 244, $244^1$, $244^2$-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан фақат жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишидан амалда пушаймон бўлганлиги тасдиқланган ҳоллардагина қўлланилиши белгилансин.

9. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2002 йил 3 декабрь,
ПФ–3168-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 184 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва республика ҳудудига истеъмол товарлари олиб келиш тартибини соддалаштириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб ноозиқ-овқат истеъмол товарлари олиб келадиган юридик шахслардан истеъмол товарлари импортига амалдаги божхона тўловлари билан бир қаторда ундириладиган йиғим бекор қилинсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ–3105-сон Фармонининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирликлари ва идоралари билан бирга ўн кун муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2002 йил 4 декабрь,
ПФ–3170-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 185 Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайити» муносабати билан 1991 йил 11 апрелдаги 193-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2002 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 6 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2002 йил 6 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2002 йил 4 декабрь,
421-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 186 Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 30 мартдаги ПФ—3047-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат мулки қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармаси ва Ер ресурслари давлат қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида» 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) илованинг 4-бандида:

«г» кичик банд «в» кичик банд деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги янги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

| | | |
|---|---|---|
| «г) банклар билан қарз олувчиларнинг кредит бўйича қарздорликни қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш тўғрисидаги битимларини (шартномаларини) тасдиқлаганлик учун | — | 1 энг кам ойлик иш ҳақи;». |

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2002 йил 4 декабрь,
422-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 4 декабрдаги 422-сон қарорига
ИЛОВА

## Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш
## ТАРТИБИ

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 30 мартдаги ПФ—3047-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ва агар қарздор кредит бўйича ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк қиймати кредитор банкнинг талабини қоплаш учун етарли бўлмаганда ундирувни қарздорларнинг гаровдан бўш бўлган бошқа, ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиботини белгилаб беради.

2. Мазкур Тартиб мақсадлари учун қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**кредитор банк** — кредит берган банк;

**қарздор** — кредитор банкдан кредит олган юридик ёки жисмоний шахс;

**ликвидли мол-мулк** — қарз олувчининг осон сотиладиган мол-мулки, шу жумладан ижтимоий инфратузилма объектлари, транспорт воситалари, компьютер ва бошқа асбоб-ускуналар, шунингдек қарздорнинг бошқа мол-мулки.

3. Қарздорнинг пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, кредитор банк кредит бўйича қарздорликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган ва нотариал тасдиқланган ёзма битим асосида қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига, ёхуд ундирувни суд тартибида қарздорнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш йўли билан қайтаришга ҳақлидир.

Кредитор банк томонидан кредит бўйича қарзни қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш тўғрисидаги ёзма битим кредит ва фоиз тўловлари бўйича қарз тўлиқ қайтарилгунгача исталган вақтда тузилиши мумкин.

4. Кредитор банкнинг кредит бўйича қарзни қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш бўйича ҳуқуқи, кредит бўйича қарз тўланмаган тақдирда қарздорнинг сотиладиган ликвидли мол-мулки рўйхати, шунингдек ушбу мол-мулкни сотиш тартиби кредитор банк ва қарздор ўртасидаги битим билан белгиланади.

5. Қарздор томонидан кредит бўйича қарз пул маблағлари етишмаслиги сабабли ўз вақтида тўланмаган тақдирда кредитор банк қарздорни кредит бўйича қарзни унинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш бўйича ўз мўлжали тўғрисида, кредит бўйича қарзни узиш ҳисобига қабул қилишга рози бўлган мол-мулк турларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

6. Қарздор билдиришнома олинган кундан бошлаб 15 кундан кечикмай кредитор банкка ёзма жавоб юбориши шарт.

7. Қарздор рози бўлмаган тақдирда кредитор банк кредит бўйича қарзни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлатиш мақсадида қарздорнинг ликвидли мол-мулкига ундиришни қаратиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

8. Қарздорнинг ликвидли мол-мулкини сотиш қонун ҳужжатларида ва битимда белгиланган тартибда очиқ савдолар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

9. Кредитор банк қарздорнинг ликвидли мол-мулкини сотиш мақсадида очиқ савдолар ташкил этишнинг ташаббускори ҳисобланади.

10. Кредитор банк очиқ савдолар ўтказилгунгача 15 кундан кечикмай қарздорни уларнинг ўтказилиш санаси ва жойи тўғрисида хабардор қилиши шарт.

11. Қарздор очиқ савдоларда умумий асосларда қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

12. Кредитор банкка берилиши керак бўлган тўлов суммаси кредитор банк томонидан қарздорнинг ликвидли мол-мулкини сотиш даври учун очиладиган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

13. Очиқ савдолардан тушган маблағларни тақсимлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Агар мол-мулкни сотишдан олинган сумма кредитор банк талабларини қоплаш учун етарли бўлмаса, қонун ҳужжатларида ёки битимда бошқача кўрсатма бўлмаса, у етишмаган суммани қарздорнинг бошқа мол-мулкидан умумий асосларда олиш ҳуқуқига эгадир.

15. Агар қарздорнинг ликвидли мол-мулкини сотишдан олинган сумма қарздорнинг кредитор банкдан кредит бўйича қарзидан ортиқ бўлса, суммадаги фарқ қарздорга қайтариб берилади.

16. Кредитор банк ва қарздор ўртасидаги келишмовчиликлар битим шартларига мувофиқ ҳал этилади. Вужудга келган келишмовчиликларни ўзаро келишувга кўра ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда томонлар судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 187 Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 13 сентябрдаги Ф–1624-сон Фармойиши билан ташкил этилган махсус комиссия томонидан «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси тизими корхоналарида дон тайёрлаш ва сақлаш, ун ва нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш босқичларида моддий-техника ва молиявий ресурслардан нооқилона ва тежамкорликсиз фойдаланишнинг кўплаб ҳоллари аниқланди.

Дон қабул қилиш ва ун тортиш корхоналарида ташқи транспорт ташкилотларини юқори тарифлар бўйича жалб этиш билан боғлиқ донни транспортда ташиш харажатлари ўсиши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Бир қанча корхоналарда электр энергияси, газ ва сув сарфининг белгиланган нормативлари бузилмоқда, ушбу ресурсларни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилмаган.

Транспорт-тайёрлаш ва маъмурий-бошқарув харажатларининг, қайта ишлаш харажатларининг ва бошқа ноишлаб чиқариш харажатларининг ошиши пировард натижада ун ва нон-булка маҳсулотлари нархининг асоссиз равишда ошишига олиб келмоқда.

Ун ва нон-булка маҳсулотларига барқарор нархларни таъминлаш, бошоқли экинлар дони тайёрлаш, транспортда ташиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, маъмурий-бошқарув харажатларини пасайтириш, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси тизими корхоналарининг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси раҳбарлари дон тайёрлаш ва сақлашда, ун ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда чиқимларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмаганлиги учун қаттиқ огоҳлантирилсин.

«Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқариш харажатлари ва маъмурий-бошқарув харажатлари асоссиз ўсишига йўл қўйган ҳар бир корхонани бир ой муддатда чуқур ва батафсил ўрганиб чиқсин, айбдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортсин.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига 2003 йил 10 январгача ахборот берилсин.

2. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси бўйича моддий-техника ресурсларидан тежаб ва оқилона фойдаланиш ҳамда нон маҳсулотлари таннархини қисқартириш чора-тадбирлари 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси:

«Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар дастурини бажариши устидан доимий мониторинг юритилишини таъминласин;

кадрлар таркибини мустаҳкамлаш ҳамда тармоқнинг корхоналарига малакали, замонавий фикр юритадиган иқтисодчилар ва менежерларни жалб этиш мақсадида икки ой муддатда Молия вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси

* 1-илова берилмайди.

билан биргаликда унинг тасарруфидаги корхоналарнинг раҳбарлари ва иқтисодиёт масалалари билан шуғулланувчи ходимларини аттестациядан ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар йили 15 майгача давлат эҳтиёжлари учун дон тайёрлаш даврида транспорт хизматларига тарифларнинг чекланган даражаларини белгиласин ҳамда дон тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси корхоналарининг харажатлари устидан доимий мониторингни амалга оширсин.

Ушбу мақсадларда молия органларига ҳамда монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига зарур материалларни сўраб олишга, корхоналарнинг ўзига бориб харажатларни бирламчи ҳужжатлар бўйича ўрганишга рухсат берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси жаҳон бозори ва минтақавий товар биржаларида шаклланаётган дон нархи конъюнктурасидан келиб чиқиб бошоқли экинлар дони ички харид нархларини белгилашнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 январдаги 27-сон қарори билан қабул қилинган тартибига қатъий амал қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари донни йиғиштириб олиш ва тайёрлаш даврида транспорт хизматларига белгиланган чекланган тарифларга қатъий амал қилсинлар.

6. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда дон қабул қилиш ва тайёрлов бўлинмаларининг жойлашиши схемасини қайта кўриб чиқсин, транспортда ташиш тизимини мақбуллаштириш, уларнинг темир йўлларга энг кўп даражада яқин бўлишини таъминлаш ва ташиш масофасидан келиб чиқиб хўжаликларни дон қабул қилиш пунктларига бириктириш ҳисобига бошоқли дон экинларини транспортда ташиш харажатларини қисқартиришни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда донни қайта ишлаш жараёнида олинадиган қўшимча маҳсулотнинг реал бозор қийматини ҳисобга олган ҳолда қолипланган нон ишлаб чиқаришнинг жами харажатларидан келиб чиқиб ун ва қолипланган нон нархи белгиланишини таъминласин;

аҳолининг олий навли унга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишган ҳолда тегирмонларнинг бир қисмини олий ва биринчи нав ун ишлаб чиқаришга ўтказсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси билан биргаликда икки ой муддатда ғаллачилик илмий-текшириш институтларини жалб этган ҳолда республикада етиштириладиган буғдойнинг селекция навларидан келиб чиқиб навлар бўйича дон сарфи, ун ва нон чиқиши нормалари ва нормативлари рўйхатини тасдиқласин.

8. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясининг асосий ишлаб чиқаришда фойдаланилмайдиган 2, 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва мол-мулкни консервация қилиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

---

* 2, 3, 4-иловалар берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси билан биргаликда корхоналарнинг ишга туширилмаган ёки ишлаб чиқариш жараёнида кам фойдаланиладиган асосий фондларини ва бошқа мол-мулкини икки ой муддатда хатловдан ўтказсин ҳамда уларни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси бошқарув аппарати таъминотига ажратмалар миқдорини корпорация Кенгашида қайта кўриб чиқсин, унинг даражасини акциядорлик жамиятларининг ва корпорация тузилмасига кирувчи бошқа субъектлар фойдасининг 5 фоизидан кўп бўлмаган даражада белгиласин.

Белгилансинки, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси ҳузурида махсус жамғармалар ташкил этилишига фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишув бўйича рухсат берилади.

10. Жойлардаги ҳокимият ва бошқарув органларига «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси тизимига кирувчи корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашиш, уларнинг айланма маблағларидан ҳомийлик қилишда, хайрия фаолиятида ва ижтимоий-маданий объектлар қурилишида фойдаланиш тақиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

идоравий норматив ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С.Юсупов ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазири М.Б.Нурмуродов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2002 йил 4 декабрь,
424-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 188 Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек истеъмолчиларни истеъмол товарлари тўғрисидаги ишончли ахборот билан давлат тилида таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки:

2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин муомалага чиқариладиган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг 1-иловага мувофиқ айрим турларини мажбурий маркалаш жорий этилади;

мажбурий маркаланиши керак бўлган ва 2002 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари чакана савдо шахобчаларида 2003 йил 1 апрелгача давлат тилида маркаланмасдан сотилиши мумкин.

2. Қуйидагилар:

Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

тижорат мақсадларида Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда мувофиқлик сертификатлари мажбурий тақдим этилиши талаб этиладиган истеъмол товарларининг қўшимча рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқувчи талабларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда) 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. Каримов**

Тошкент ш.,
2002 йил 5 декабрь,
427-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Импорт қилинадиган, давлат тилида маркировка қилиниши шарт бўлган истеъмол товарлари РЎЙХАТИ

| Т/р | Маҳсулотлар номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| 1. | Истеъмол упаковкага эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турлари | 0401-0410, 0901-0910 1101-1109, 1201-1212, 1501-1517, 160100-1605, 1701, 1702, 1704, 1806, 1901-1905, 2001-2009, 2101-2106, 2201-2209, 2402-2403, 250100100, 25010091 |
| 2. | Дори-дармонлар ва дори-дармон воситалари | 2936, 3003-3006 |
| 3. | Упаковкалардаги минерал ёки кимёвий ўғитлар | 3105 |
| 4. | Бўяш моддалари, бўёқ ва локлар | 3204, 3206, 3207, 3208-3214 |
| 5. | Атир ва пардоз суви, косметика воситалари, соч ва гигиена учун воситалар | 3303-3307 |
| 6. | Маиший кимё маҳсулотлари | 3401, 3402, 3506 |
| 7. | Пиротехника буюмлари | 3604 |
| 8. | Фото ва кино товарлари | 3701-3707 |
| 9. | Инсектицидлар, дезинфекциялаш воситалари, тормоз суюқликлари, антифризлар | 3808, 3819, 3820 |
| 10. | Маиший электр приборлари, теле, видео, аудиоаппаратуралар, кўчма телефонлар | 8415 (841581100, 841581901, 841582100, (841583100, 841590100 дан ташқари) 841810 (841810100 дан ташқари), 841821-841829000, 841840 (841840100 дан ташқари), 842211000, 842310100, 8450 (845090000 дан ташқари), 845210, 846721-846722, 8471 (фуқаро авиациясидан ташқари), 8471499900, 8509, 8510, 8516, 8517-8521, 8525 20910-852540, 8527, 8528 |
| 11. | Ўйинчоқлар | 9503, 9504 |

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товар-

лар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи истеъмол товарларини маркалашга қўйиладиган талабларни белгилайди.

2. Ушбу Низом аҳолига сотиш учун мўлжалланмаган ва четдан келтириладиган қуйидаги:

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун келтириладиган ҳамда ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган истеъмол товарларини;

хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар, ушбу ташкилотлар ҳузуридаги хорижий давлатларнинг ваколатхоналари ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг расмий (хизмат юзасидан) фойдаланиши, шунингдек уларнинг ходимлари учун мўлжалланган истеъмол товарларини;

кўргазмалар намуналари, синовлар, тадқиқотлар ва маркетинг учун намуналар сифатидаги истеъмол товарларини маркалашга татбиқ этилмайди.

3. Транспорт идишида қадоқланган, кейинчалик истеъмол идишига қайта қадоқланган товарларни келтиришда транспорт идишида уларнинг тайёрланган ва қадоқланган муддати кўрсатилади. Товарни истеъмол идишига қайта қадоқлашда маркалаш товарнинг норматив ҳужжатида кўрсатилган ҳажмига мувофиқ, у мавжуд бўлмаган тақдирда эса, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланган фойдаланиш муддатига эга бўлган товарлар учун тайёрланган санаси ҳамда яроқлилик муддати мажбурий кўрсатилган ҳолда давлат тилида амалга оширилади.

4. Яроқлилик муддати белгиланиши шарт бўлган товарларда тайёрловчи томонидан белгиланган яроқлилик муддати кўрсатилади.

Бунда тайёрловчи томонидан (сақлаш ва ташиш шартларига тўлиқ риоя қилган ҳолда) муайян товарнинг истеъмолчилар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ва экологик жиҳатдан хавфсизлиги кафолатланади.

5. Яроқлилик муддати ўтгач товарлар улардан бевосита асосий (ёки функционал) мақсадда фойдаланиш учун яроқсиз ҳисобланади. Яроқлилик муддати узайтирилиши мумкин эмас.

## II. Истеъмол товарларини маркалашга қўйиладиган умумий талаблар

6. Маркалашдаги ва қўшиб жўнатиладиган ҳужжатлардаги маълумотлар истеъмолчилар учун тушунарли, тўлиқ ва ишончли бўлиши керак.

7. Товарни маркалашдаги (этикетка, бирка, лейбл) ва қўшиб жўнатиладиган фойдаланиш ҳужжатларидаги истеъмолчи учун мўлжалланган маълумотлар товарнинг тури ҳамда техникавий мураккаблигига қараб муайян товарга бевосита илова қилинадиган матнли ҳужжат (паспорт, формуляр, қўлланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар) тарзида бўлиши керак.

8. Товар билан бирга бевосита истеъмолчига тақдим этиладиган маълумотлар давлат тилида расмийлаштирилади. Маълумотлар бошқа тилларга тўлиқ ёки қисман таржима қилиб берилган бўлиши мумкин.

Маркалаш маълумотларининг давлат тилига тўғри таржима қилинганлигини назорат қилиш маҳсулотни сертификациялашни ёки хорижий мувофиқлик сертификатини эътироф этишни амалга оширувчи, бир турдаги маҳсулотни сертификациялаш бўйича аккредитация қилинган орган томонидан амалга оширилади.

9. Товар истеъмолчиси учун маълумотлар «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунининг 12-моддасига, шунингдек маҳсулот унга биноан ишлаб чиқариладиган норматив ҳужжатга мувофиқ бўлиши керак.

10. Генетик модификация қилинган маҳсулотлардан олинган товарнинг маркаланишида бу тўғридаги тегишли маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

11. Ўзбекистон Республикаси учун анъанавий бўлмаган импорт товарлар халқаро, минтақавий, миллий стандартларга мувофиқ номланиши, бундай номлар бўлмаган тақдирда эса — тайёрловчи мамлакатда қабул қилинган номлар кўрсатилиши керак.

Товарга истеъмолчига мўлжалланган ўзига хос бўлган маълумотлар илова қилиниши мумкин.

Товарнинг номида «Экология жиҳатидан тоза», «Радиация жиҳатидан хавфсиз», «Зарарли моддалар қўлланмасдан тайёрланган» ва бошқа реклама тусига эга бўлган тавсифномалардан фойдаланишга фақат уларга қўйиладиган талабларни ҳамда текшириш (назорат қилиш) методларини белгиловчи ва товарнинг ушбу тавсифномаларини идентификация қилиш имконини берувчи тайёрловчининг норматив ёки техник ҳужжатлари кўрсатилганда, шунингдек улар «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган тақдирда йўл қўйилади.

12. Товарни тайёрлаган мамлакатнинг номи мамлакатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қабул қилинган номи бўйича кўрсатилади.

Агар бир мамлакатда тайёрланган товар кейинчалик бошқа мамлакатда унинг хоссасини ўзгартирадиган ва (ёки) уни пировард тайёр буюмга айлантирадиган тарзда технологик ишловдан ўтказилган тақдирда, маълумотларни ёзишда технологик ишлов беришни амалга оширувчи импорт қилувчи мамлакат мазкур товарни тайёрловчи мамлакат сифатида қаралиши керак.

13. Товар келиб чиққан мамлакат амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган мезонларга мувофиқ белгиланади.

14. Товар истеъмолчиси учун мўлжалланган маълумотда тайёрловчининг расмий номидан ва унинг жойлашган жойидан (почта манзилидан) фойдаланиш лозим.

15. Товарнинг асосий истеъмол хоссалари ва тавсифлари тайёрловчининг норматив ёки техник ҳужжати талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда истеъмолчига маълум қилиниши керак.

16. Товарнинг сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ёзиш жойи ва шакли мувофиқлик сертификатида белгиланади.

17. Товарнинг нетто массаси, асосий ўлчамлари, ҳажми ва сони истеъмолчи ёки харидор учун ўлчовларнинг метрик тизимида (бирликларнинг халқаро тизимида) кўрсатилиши керак.

18. Товарнинг таркиби (бутлиги) «Таркиби» ёки «Бутлиги» номи билан рўйхат тарзида тақдим этилиши керак.

Товарнинг соғломлаштириш-даволашга мўлжалланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, одамлар ҳаёти ва саломатлигига, ҳайвонот дунёсига зарарли таъсирининг йўқлиги ёки унинг бошқа алоҳида тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг рухсати билан тақдим этилади.

19. Товарни тайёрловчининг товар белгиси (товар маркаси) бевосита товарларга, идишга, шунингдек ёрлиқлар ёки этикеткаларга қўйилади.

20. Яроқлилик муддати товарнинг тайёрланган санасидан бошлаб ҳисобланади ва бевосита товарда, ташиш идишида, ўраб-жойланган нарсада (истеъмол идишида) қуйидаги намунавий шакллардан биридан фойдаланган ҳолда кўрсатилади:

«...(йил-кун-ой) мобайнида яроқли»;

«...(йил-кун-ой)гача яроқли»;

«...(йил-кун-ой)гача фойдаланилсин».

Муайян товарларнинг ўзига хос хоссаларини ҳисобга олган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотларда истеъмолчи учун товарнинг яроқлилик муддати (ёки хизмат муддати) кўрсатилади.

Хизмат кўрсатиши техник жиҳатдан амалда ноаниқ узоқ муддатли (кўп йиллик) бўлиши мумкин бўлган товарлар учун уларнинг яроқлилик муддатлари ёки сақлаш муддатлари истеъмолчи учун маълумотларда кўрсатилмайди, улар (зарур бўлганда) етказиб бериш шартномасида (контрактда) ёки олди-сотди шартномасида (контрактда) белгиланади.

21. Товарни идентификациялашни тасдиқловчи штрихли код (тайёрловчининг ихтиёрий ташаббуси ва мустақил равишдаги қарори ёки истеъмолчининг ва/ёки сотувчининг талабига кўра) товарда, унинг идишида ва/ёки ўраб-жойланган нарсада Европа товар рақамланиши уюшмаси (EAN) томонидан белгиланган қоидалар бўйича кўрсатилади.

## III. Маълумотларни жойлаштириш

22. Маркалаш маълумотларини ўқиш учун қулай бўлган бир ёки бир нечта жойда маҳсулотга норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ жойлаштиришга йўл қўйилади.

23. Товарнинг истеъмолчиси учун зарур бўлган маълумот матнини тўлиқ бериш учун идишнинг ўлчами техник жиҳатдан йўл қўймайдиган ҳолларда, шунингдек эсдалик ва совға қилинадиган буюмларда товарни ёки унинг бир қисмини тавсифловчи маълумотларни ҳар бир идишда ёки идиш гуруҳларига илова қилинадиган қўшимча варақда ёки етказиб берилаётган товарнинг қўшимча ҳужжатларида кўрсатишга йўл қўйилади.

## IV. Истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари тақдим этилиши усуллари ва унинг бажарилиши сифатига қўйиладиган талаблар

24. Истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари исталган усулда, лекин барча ҳолларда аниқ ва осон ўқиладиган тарзда жойлаштирилиши керак.

Сақлаш, ташиш, фойдаланиш ва фойдали тарзда ишлатиш пайтидаги хавфсизлик талаблари бошқа маълумотлардан шрифти, ранги ёки бошқа бажариш усуллари билан фарқланиб туриши керак.

Агар товар жойлаштирилган идиш қўшимча ўров материали билан қопланган бўлса, у ҳолда маълумотлар қоплов материалининг ички томонида сиртдан осон ўқиладиган бўлиши ёхуд сиртқи ўров материалида ана шундай маълумот бўлиши керак.

Товарга тегиб турадиган маркалаш маълумотларини ёзиш воситалари товарнинг сифатига таъсир кўрсатмаслиги, товарни сақлаш, ташиш, сотиш ва ундан фойдаланиш чоғида маркалашнинг мустаҳкамлигини таъминлаши керак.

25. Атроф муҳит кучли таъсир кўрсатадиган шароитларда ёки махсус шароитларда (юқори ёки паст ҳарорат, агрессив муҳит ва шу кабиларда) қўлланиладиган товарларни маркалашда маълумотларнинг сақланиши қуйидаги усуллардан биттаси ёки уларнинг уйғунлашган турлари билан таъминланиши керак:

таъсирга (намга, ҳароратга ва бошқаларга) бардошли материални қўллаш;

ёзишнинг тегишли усулини қўллаш (ботиқ, ўйиб ёзиш ва бошқалар);

атмосферага чидамли қобиқларни (шаффоф плёнка, пакет, қути ва шу кабиларни) қўллаш.

26. Истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари импорт қилинаётган товарларга:
товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келингунгача;
товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келингандан кейин эркин муомалага чиқариш режимида божхонада расмийлаштирилгунгача ёзилади.

Олиб келинган товарларда истеъмолчи учун маркалаш маълумотлари уларни божхона омборида сақлаш чоғида ёзилади. Сақлаш муддати ва божхона режимини танлаш (вақтинчалик сақлаш ёки божхона омбори) импорт қилувчи томонидан, ушбу тартиботни амалга ошириш учун зарур бўладиган вақтдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарорига
3-ИЛОВА

## Тижорат мақсадларида Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда мувофиқлик сертификатлари мажбурий тақдим этилиши талаб этиладиган истеъмол товарларининг қўшимча рўйхати

| Товарнинг ТИФ ТН бўйича коди | Товарнинг номи |
|---|---|
| **Озиқ-овқат товарлари** | |
| 1202 | Қовурилмаган ёки бошқа бирон-бир усулда тайёрланмаган, пўчоғи арчилган ёки арчилмаган, майдаланган ёки мадаланмаган ерёнғоқ |
| 2309 | Молларни озиқлантириш учун фойдаланиладиган маҳсулотлар |
| **Ноозиқ-овқат товарлар** | |
| 3004 | Терапевтика ёки профилактика мақсадларида фойдаланиш учун, дозаланган дори-дармонлар шаклида қадоқланган, аралаш ёки аралаш бўлмаган маҳсулотлардан иборат дори-дармон воситалари (3002, 3005, 3006 гуруҳлар товарларидан ташқари) |
| 3005 | Фармацевтика моддалари шимдирилган ёки улар билан қопланган, чакана савдода сотиш учун шакл ёки упаковкадаги момиқ, дока, бинтлар ва шу каби буюмлар (масалан, боғлаш материали, лейкопластирлар, рипаркалар) |
| 3208 | Синтетик полимерлар ёки диспергация қилинган ёхуд сувдан ташқари муҳитда эритилган, кимёвий жиҳатдан ўзгартирилган табиий полимерлар асосидаги бўёқлар ва локлар (жумладан эмал ва политуралар); мазкур гуруҳга 4-изоҳда кўрсатилган эритмалар |
| 3209 | Синтетик полимерлар ёки диспергация қилинган ёхуд сувда эритилган, кимёвий жиҳатдан ўзгартирилган табиий полимерлар асосидаги бўёқлар ва локлар (жумладан эмал ва политуралар) |
| 3210 | Бўёқлар ва бошқа локлар (шу жумладан эмаллар, политуралар ва елимли бўёқлар); терини ошлаш учун фойдаланиладиган турдаги тайёр сувли пигментлар |

| **Товарнинг ТИФ ТН бўйича коди** | **Товарнинг номи** |
|---|---|
| 3212 | Бўёқлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пигментлар; нусха босиш учун фольга; чакана савдода сотиш учун қадоқланган бўёқлар ва бошқа бўяш моддалари |
| 3214 | Дераза ва боғ замазкалари, цемент смолалар, зичлаш учун ишлатиладиган таркиблар ва бошқа мастикалар; бўяш ишлари учун грунтовкалар ва шпатлёвкалар; юза фасадлар тайёрлаш, ички бино деворлари, поллар, шиплар ёки шунга ўхшашлар учун ўтга чидамли бўлмаган таркиблар |
| 3819-3820 | Гидравлик тормоз суюқликлари, антифризлар |
| 4203 | Табиий чармдан ва композицион чармдан тайёрланган кийимлар ёки унинг анжомлари |
| 4303-4304 | Табиий мўйнадан тайёрланган кийимлар, кийимларга тегишли анжомлар ва бошқа буюмлар; сунъий мўйна ва ундан тайёрланган буюмлар |
| 4419 | Ошхона ва кухня ёғоч буюмлари |
| 4814 | Гулқоғозлар ва шунга ўхшаш девор қопламалари; деразалар учун шаффоф қоғоз |
| 5006 | Чакана савдода сотиш учун қадоқланган ипак иплар ва ипак чиқиндиларидан тайёрланган калавалар; ипак қурти фиброинидан тайёрланган тола |
| 5007 | Табиий ипакдан ёки ипак чиқиндиларидан тайёрланган газламалар |
| 5109 | Чакана савдода сотиш учун қадоқланган жун калавалар ёки ҳайвонларнинг майин жунидан тайёрланган калавалар |
| 5110 (фақат чакана савдода сотиш учун) | Ҳайвонларнинг дағал жунидан ёки от қилидан тайёрланган, чакана савдода сотиш учун қадоқланган ёки қадоқланмаган калава (шу жумладан от қилидан тайёрланган позумент ип) |
| 5111 | Аппаратда йигирилган жун калавадан ёки ҳайвонларнинг майин жунидан аппаратда йигирилган калавадан тайёрланган газламалар |
| 5112 | Эшилган жун калавадан ёки ҳайвонларнинг майин жунидан эшилган калавадан тайёрланган газламалар |
| 5204 (фақат чакана савдода сотиш учун) | Чакана савдода сотиш учун қадоқланган ёки қадоқланмаган тикув пахта иплари |
| 5207 | Чакана савдода сотиш учун қадоқланган ип калава (тикув ипларидан ташқари) |
| 5209 | Таркибида 85 фоиз ёки ундан кўп пахта мавжуд бўлган, юза зичлиги 200 г/м2 дан кўп бўлган ип газламалар |
| 5210 | Таркибида 85 фоиздан кам пахта мавжуд бўлган, асосан ёки тўлиқ кимёвий толалар қўшилган, юза зичлиги 200 г/м2 дан кўп бўлмаган ип газламалар |
| 5211 | Таркибида 85 фоиздан кам пахта мавжуд бўлган, асосан ёки тўлиқ кимёвий толалар қўшилган, юза зичлиги 200 г/м2 дан кўп бўлган ип газламалар |
| 5212 | Бошқа хил ип газламалар |

| Товарнинг ТИФ ТН бўйича коди | Товарнинг номи |
|---|---|
| 5309 | Зиғирпоя толасидан тайёрланган газламалар |
| 5401 | Кимёвий иплардан тайёрланган тикув иплари |
| 5406 | Чакана савдода сотиш учун қадоқланган комплекс кимёвий иплар (тикув ипларидан ташқари) |
| 5407 | Синтетик комплекс иплардан тайёрланган, шу жумладан 5404 товар позицияси материалларидан ишлаб чиқариладиган газламалар |
| 5408 | Синтетик комплекс иплардан тайёрланган, шу жумладан 5405 товар позицияси материалларидан ишлаб чиқариладиган газламалар |
| 5508 (фақат чакана савдода сотиш учун) | Чакана савдода сотиш учун қадоқланган ёки қадоқланмаган, кимёвий толалардан тайёрланган тикув иплари |
| 5511 | Чакана савдода сотиш учун қадоқланган, кимёвий толалардан тайёрланган калава (тикув ипларидан ташқари) |
| 5512 | Таркибида 85 фоиз ёки ундан кўп синтетик толалар мавжуд бўлган синтетик толалардан тайёрланган газламалар |
| 5513 | Таркибида 85 фоиздан кам синтетик тола мавжуд бўлган, юза зичлиги 170 г/м2 дан кўп бўлмаган, асосан ёки тўлиқ пахта қўшилган синтетик толалардан тайёрланган газламалар |
| 5514 | Таркибида 85 фоиздан кам синтетик тола мавжуд бўлган, юза зичлиги 170 г/м2 дан кўп бўлган, асосан ёки тўлиқ пахта қўшилган синтетик толалардан тайёрланган газламалар |
| 5515 | Синтетик толалардан тайёрланган бошқа газламалар |
| 5516 | Сунъий толалардан тайёрланган газламалар |
| 56 (5603-5606 дан ташқари) | Момиқ, кигиз ва ногазлама материаллар; махсус калава; каноп иплар, чилвирлар, арқон ва йўғон арқонлар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар |
| 57 | Гиламлар ва бошқа тўқимачилик пол қопламлари |
| 58 | Махсус газламалар; тафтинг тўқимачилик материаллари; тўрлар; суратли гиламлар; пардозлаш материаллари; кашталар |
| 59 (5902, 5910, 5911 дан ташқари) | Шимдирилган, қопламали, нусха олинган тўқимачилик материаллари; техника мақсадларидаги тўқимачилик буюмлари |
| 60 | Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж газламалар |
| 61 | Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж кийимлар ва трикотаж кийимлар анжомлари |
| 62 | Кийим предметлари ва кийимларга тегишли анжомлар, машинада ёки қўлда тўқилган трикотаждан ташқари |
| 63 (630710, 630900000, 6310 дан ташқари) | Бошқа тайёр тўқимачилик буюмлари; тўпламлар |
| 64 | Пойафзал, гетрлар ва шунга ўхшаш буюмлар; уларнинг қисмлари |
| 6503-6506 | Бош кийимлар |

| Товарнинг ТИФ ТН бўйича коди | Товарнинг номи |
|---|---|
| 7003-7007, 7009, 7014-7018 | Шиша ва ундан тайёрланган буюмлар |
| 7324 (732410100, 732490100 дан ташқари) | Ошхона, кухня буюмлари ёки маиший эҳтиёжлар учун бошқа буюмлар, қора металлардан тайёрланган сантехника буюмлари ва уларнинг қисмлари |
| 7417 | Овқатларни тайёрлаш ёки иситиш учун маиший приборлар, ноэлектр буюмлар ва уларнинг мисдан тайёрланган қисмлари |
| 82 (8207, 8208, 8209 дан ташқари) | Қимматбаҳо бўлмаган металлардан тайёрланган инструментлар, мосламалар, пичоқ буюмлари, қошиқлар ва вилкалар, уларнинг қисмлари |
| 8472 | Бошқа идора анжомлари |
| 8476 | Савдо автоматлари (масалан, почта маркалари, сигареталар, озиқ-овқат товарлари ёки ичимликлар сотиш учун), шу жумладан банкнот ва тангаларни майдалаш учун автоматлар |
| 8903 | Дам олиш ва спорт учун яхталар ва бошқа сузиш воситалари; сузиш эшкакли қайиқлар ва каноэлар |
| 900410 | Қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнаклар |
| 9008 | Тасвир проекторлари, кинематография проекторларидан ташқари; фотоувеличителлар ва тасвирларни кичрайтирувчи проекциялаш анжомлари (кинематография анжомларидан ташқари) |
| 9009 | Оптик системага эга бўлган ёки контактли хилдаги суратдан нусха кўчириш машиналари ва термик нусха кўчириш машиналари |
| 91 | Барча турлардаги соатлар ва уларнинг қисмлари |
| 9505, 9508 | Ўйинчоқлар, ўйинлар ва спорт жиҳозлари; уларнинг қисмлари ва анжомлари |

Изоҳ. Истеъмол товарларининг бошқа айрим турларини мажбурий сертификатлаш Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги 409-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 5 декабрдаги 427-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорига киритиладиган ўзгартиришлар**

1. 3-банддаги «барча истеъмол товарлари» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган айрим истеъмол товарлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 5-банднинг иккинчи хатбошига «жисмоний шахслар томонидан» сўзларидан кейин «импорт қилинадиган» сўзлари қўшилсин.

3. 6-бандда:

«мувофиқлик сертификатлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

«қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар» сўзларидан кейин «ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган истеъмол товарларига мувофиқлик сертификатлари» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 189 Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Тошкент ҳалқа автомобиль йўли ва Тошкент вилоятининг магистраль автомобиль йўлларининг айрим участкалари реконструкция қилиниши мўлжалланаётганлиги муносабати билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш, чиқиш ва у орқали юк олиб ўтишда хорижий автоташувчилар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хорижий транзит автоташувчиларнинг йўналишлари ўтадиган Тошкент ҳалқа автомобиль йўлининг шимолий ва «Тошкент-Самарқанд» магистралига туташиб кетувчи қисмларида, шунингдек «Тошкент-Чиноз» йўлининг айрим участкаларида Тошкент шаҳрини реконструкция қилишнинг Бош режасига мувофиқ йўллар реконструкция қилинаётганлиги ва кўприклар қурилаётганлиги, уларни 2003 йил 1 сентябргача тугаллаш мўлжалланаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Шу муносабат билан:

хорижий автоташувчиларнинг манфаатларига зарар етказилишига йўл қўймаслик мақсадида «Ўзавтойўл» давлат концерни, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликларининг хорижий транзит автоташувчилар учун янги йўналишлар белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин;

Қозоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1999 йил 28 майда тузилган икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия баённомасига мувофиқ Қозоғистон Республикаси ҳудудидан келувчи транзит автоташувчиларнинг кириш ва чиқиш пункти этиб «Яллама» Давлат чегараси орқали ўтиш пункти (Тошкент вилояти) белгилансин;

Қозоғистон Республикасидан Тожикистон Республикасига «Яллама» ўтиш пункти орқали бораётган транзит хорижий автоташувчилар учун 4Р24, 4Р25 ва 4Р26 йўллар бўйича йўналиш белгилансин;

барча транзит хорижий автоташувчиларнинг, шу жумладан МДҲ мамлакатлари автоташувчиларининг Тошкент шаҳри ҳудудига кириши вақтинча тўхтатилсин.

2. Хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб транзит ҳаракат қилишига мўлжалланган автомобиль йўллари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўзавтойўл» давлат концерни Тошкент (У. Мирзақулов) ва Сирдарё (Р. Ҳайдаров) вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда:

халқаро транзит йўналишлар рўйхатига киритилган 4Р24, 4Р25 ва 4Р26 автомобиль йўлларида зарур таъмирлаш ишларини амалга оширсинлар;

Давлат божхона қўмитасининг кўмагида М-34 «Тошкент-Душанбе» йўлининг 72-километрида ва 4Р20 «Тошкент-Бўка-Бекобод» йўлининг 51-километрида катта юк автомобиллари учун техник хизмат кўрсатиш станциялари бўлган автомобиль тўхташ жойлари қурилишини амалга оширсинлар.

4. Давлат божхона қўмитаси (Б. Парпиев) «Яллама» божхона постини реконструкция қилиш, катта юк автомобиллари ўтиши учун халқаро талабларга жавоб берувчи шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур ишларни амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Давлат божхона қўмитаси (Б. Парпиев) хорижий автоташувчиларнинг республика ҳудуди орқали ўтишнинг белгиланган йўналишларига қатъий риоя қилишларини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (З. Мирхўжаев), бошқа ваколатли тижорат банклари Давлат чегараси орқали ўтиладиган барча пунктларда валюта алмаштириш, тўловлар ва йиғимларни қабул қилиш пунктлари фаолият кўрсатишини таъминласин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов) хорижий давлатларнинг манфаатдор элчихоналари, консулхоналари ва ваколатхоналарига мазкур қарорда назарда тутилган хорижий автоташувчиларнинг транзит ҳаракати тартиби такомиллаштирилишига доир чора-тадбирлар тўғрисида дипломатик йўллар орқали маълум қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорига 1-илова, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 декабрдаги 457-сон қарори 1-бандининг «в» кичик банди, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 сентябрдаги 455-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2002 йил 10 декабрь,
433-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 10 декабрдаги 433-сон қарорига
ИЛОВА

## Хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ҳаракат қилишига мўлжалланган автомобиль йўллари РЎЙХАТИ

### 1-йўналиш — 682 км

Туркманистон чегараси — Хўжайли (Қорақалпоғистон Республикаси) — Олот (Бухоро вилояти) — Туркманистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Хўжайли божхона пости, А-381 — А-380 — М-37 — автомобиль йўллари бўйлаб — Олот божхона пости — Туркманистон чегараси.

### 2-йўналиш — 1035 км

Туркманистон чегараси — Хўжайли (Қорақалпоғистон Республикаси) — Ҳайратон (Сурхондарё вилояти) — Афғонистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Хўжайли божхона пости — А-381 — А-380 — М-37 — автомобиль йўллари бўйлаб — Ҳайратон божхона пости — Афғонистон чегараси.

### 3-йўналиш — 1086 км

Туркманистон чегараси — Хўжайли (Қорақалпоғистон Республикаси) — Гулбаҳор (Сурхондарё вилояти) божхона постлари — Тожикистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Хўжайли божхона пости — А-381 — А-380 — М-37 — 4Р99 автомобиль йўллари бўйлаб — Гулбаҳор божхона пости — Тожикистон чегараси.

### 4-йўналиш — 1152 км

Туркманистон чегараси — Хўжайли (Қорақалпоғистон Республикаси) — Сариосиё (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Хўжайли божхона пости, А-381 — А-380 — М-39 — М-41 автомобиль йўллари бўйлаб — Сариосиё божхона пости — Тожикистон чегараси.

### 5-йўналиш — 905 км

Туркманистон чегараси — Хўжайли (Қорақалпоғистон Республикаси) — Жартепа (Самарқанд вилояти) — Тожикистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Хўжайли божхона пости — А-381 — А-380 — М-37 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 — А-377 автомобиль йўллари бўйлаб — Жартепа божхона пости — Тожикистон чегараси.

**6-йўналиш — 1168 км**

Туркманистон чегараси — Хўжайли (Қорақалпоғистон Республикаси) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Тожикистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Хўжайли божхона пости — А-381 — А-380 — М-37 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М–39 автомобиль йўлининг 872- километригача ва 4Р26 га бурилиш — сўнгра 4Р24 — 4Р25 — 4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси.

**7-йўналиш — 1375 км**

Туркманистон чегараси — Хўжайли (Қорақалпоғистон Республикаси) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Тожикистон чегараси — Андархон (Фарғона вилояти) — Дўстлик (Андижон вилояти) — Қирғизистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Хўжайли божхона пости — А-381 — А-380 — М-37 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М–39 автомобиль йўлининг 872- километригача ва 4Р26 га бурилиш — сўнгра 4Р24 — 4Р25 — 4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси — Андархон божхона пости — А-376 — А-373 йўллари бўйлаб — Дўстлик божхона пости — Қирғизистон чегараси.

**8-йўналиш — 1081 км**

Туркманистон чегараси — Хўжайли (Қорақалпоғистон Республикаси) — Яллама (Тошкент вилояти) — Қозоғистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Хўжайли божхона пости — А-381 — А-380 — М-37 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М–39 автомобиль йўлининг 865-километригача — 4Р186 автомобиль йўлига чиқиш — Яллама божхона пости — Қозоғистон чегараси.

**9-йўналиш — 545 км**

Туркманистон чегараси — Олот (Бухоро вилояти) — Ҳайратон (Сурхондарё вилояти) — Афғонистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Олот божхона пости — М-37 — А-380 — М-39 автомобиль йўллари бўйлаб — Ҳайратон божхона пости — Афғонистон чегараси.

**10-йўналиш — 595 км**

Туркманистон чегараси — Олот (Бухоро вилояти) — Гулбаҳор (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Олот божхона пости — М-37 — М-39 — 4Р99 автомобиль йўллари бўйлаб — Гулбаҳор божхона пости — Тожикистон чегараси.

**11-йўналиш — 619 км**

Туркманистон чегараси — Олот (Бухоро вилояти) — Сариосиё (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Олот божхона пости — М-37 — М-39 — М-41 автомобиль йўллари бўйлаб — Сариосиё божхона пости — Тожикистон чегараси.

**12-йўналиш — 414 км**

Туркманистон чегараси — Олот (Бухоро вилояти) — Жартепа (Самарқанд вилояти) — Тожикистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Олот божхона пости — М-37 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 — А-377 автомобиль йўллари бўйлаб — Жартепа божхона пости — Тожикистон чегараси.

**13-йўналиш — 682 км**

Туркманистон чегараси — Олот (Бухоро вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Тожикистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Олот божхона пости — М-37 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 872-километр — 4Р26 йўлига чиқиш — 4Р24-4Р25-4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси.

**14-йўналиш — 973 км**

Туркманистон чегараси — Олот (Бухоро вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Андархон (Фарғона вилояти) — Дўстлик (Андижон вилояти) — Қирғизистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Олот божхона пости — М-37 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 872-километр — 4Р26 йўлига чиқиш — 4Р24-4Р25-4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси — Андархон божхона пости — А-376- А-373 автомобиль йўллари бўйича — Дўстлик божхона пости — Қирғизистон чегараси.

**15-йўналиш — 603 км**

Туркманистон чегараси — Олот (Бухоро вилояти) — Яллама (Тошкент вилояти) — Қозоғистон чегараси.

Туркманистон чегараси — Олот божхона пости — М-37 автомобиль йўли бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 865-километргача — 4Р186 йўлига чиқиш — Яллама божхона пости — Қозоғистон чегараси.

**16-йўналиш — 52 км**

Афғонистон чегараси — Ҳайратон (Сурхондарё вилояти) — Гулбаҳор (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

Афғонистон чегараси — Ҳайратон божхона пости — М-39 — 4Р99 автомобиль йўллари бўйлаб — Гулбаҳор божхона пости — Тожикистон чегараси.

**17-йўналиш — 180 км**

Афғонистон чегараси — Ҳайратон (Сурхондарё вилояти) — Сариосиё (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

Афғонистон чегараси — Ҳайратон божхона пости — М-39 — М-41 автомобиль йўллари бўйлаб — Сариосиё божхона пости — Тожикистон чегараси.

**18-йўналиш — 452 км**

Афғонистон чегараси — Ҳайратон (Сурхондарё вилояти) — Жартепа (Самарқанд вилояти) — Тожикистон чегараси.

Афғонистон чегараси — Ҳайратон божхона пости — М-39 автомобиль йўли бўйлаб — — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — А-377 автомобиль йўли бўйлаб — Жартепа божхона пости — Тожикистон чегараси.

**19-йўналиш — 751 км**

Афғонистон чегараси — Ҳайратон (Сурхондарё вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Тожикистон чегараси.

Афғонистон чегараси — Ҳайратон божхона пости — М-39 автомобиль йўли бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 872-километргача — 4Р26 йўлига чиқиш — 4Р24 — 4Р25 — 4Р20 автомобиль йўли — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси.

**20-йўналиш — 958 км**

Афғонистон чегараси — Ҳайратон (Сурхондарё вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Андархон (Фарғона вилояти) — Дўстлик (Андижон вилояти) — Қирғизистон чегараси.

Афғонистон чегараси — Ҳайратон божхона пости — М-39 автомобиль йўли бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 872-километргача — 4Р26 йўлига чиқиш — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси — Андархон божхона пости — А-376 — А-373 йўллари бўйлаб — Дўстлик божхона пости — Қирғизистон чегараси.

**21-йўналиш — 664 км**

Афғонистон чегараси — Ҳайратон (Сурхондарё вилояти) — Яллама (Тошкент вилояти) — Қозоғистон чегараси.

Афғонистон чегараси — Ҳайратон божхона пости — М-39 — А-380 — А-378 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 865-километргача — 4Р186 йўлига чиқиш — Яллама божхона пости — Қозоғистон чегараси.

### 22-йўналиш — 220 км

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор (Сурхондарё вилояти) — Сариосиё (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор божхона пости — 4Р99 — М-39 — М-41 автомобиль йўллари бўйлаб — Сариосиё божхона пости — Тожикистон чегараси.

### 23-йўналиш — 500 км

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор (Сурхондарё вилояти) — Жартепа (Самарқанд вилояти) — Тожикистон чегараси.0

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор божхона пости — 4Р99 — М-39 — А-380 — А-378 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 — А-377 автомобиль йўллари бўйлаб — Жартепа божхона пости — Тожикистон чегараси.

### 24-йўналиш — 801 км

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор (Сурхондарё вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Тожикистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор божхона пости — 4Р45 — М-39 — А-380 — А-378 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 872-километргача — 4Р26 йўлига чиқиш — сўнгра 4Р22 — 4Р25 — 4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси.

### 25-йўналиш — 1008 км

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор (Сурхондарё вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Андархон (Фарғона вилояти) — Дўстлик (Андижон вилояти) — Қирғизистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор божхона пости — 4Р99 — М-39 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — М-39 автомобиль йўли бўйлаб 872-километргача — 4Р26 йўлига чиқиш — сўнгра 4Р24 — 4Р25 — 4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси — Андархон божхона пости — А-376 — А-373 автомобиль йўллари бўйлаб — Дўстлик божхона пости — Қирғизистон чегараси.

### 26-йўналиш — 714 км

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор (Сурхондарё вилояти) — Яллама (Тошкент вилояти) — Қозоғистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Гулбаҳор божхона пости — 4Р99 — М-39 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 865-километргача — 4Р186 йўлига чиқиш — Яллама божхона пости — Қозоғистон чегараси.

### 27-йўналиш — 552 км

Тожикистон чегараси — Сариосиё (Сурхондарё вилояти) — Жартепа (Самарқанд вилояти) — Тожикистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Сариосиё божхона пости — М-41 — М-39 — А-380 — А-378 — автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — А-377 йўли бўйлаб — Жартепа божхона пости — Тожикистон чегараси.

### 28-йўналиш — 825 км

Тожикистон чегараси — Сариосиё (Сурхондарё вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Тожикистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Сариосиё божхона пости — М-41 — А-380 — А-378 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 872-километргача 4Р26 йўлига чиқиш — сўнгра 4Р24 — 4Р25 — 4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси.

### 29-йўналиш — 1032 км

Тожикистон чегараси — Сариосиё (Сурхондарё вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Андархон (Фарғона вилояти) — Дўстлик (Андижон вилояти) — Қирғизистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Сариосиё божхона пости — М-41 — М-39 — А-380 — А-378 — автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — М-39 автомобиль йўли бўйлаб 872- километргача — 4Р26 йўлига чиқиш — сўнгра 4Р24 — 4Р25 — 4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси — Андархон божхона пости — А-376 — А-373 йўллари бўйлаб — Дўстлик божхона пости — Қирғизистон чегараси.

### 30-йўналиш — 738 км

Тожикистон чегараси — Сариосиё (Сурхондарё вилояти) — Яллама (Тошкент вилояти) — Қозоғистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Сариосиё божхона пости — М-41 — М-39 — А-380 — А-378 автомобиль йўллари бўйлаб — 4Р45 автомобиль йўли бўйлаб Самарқанд шаҳрини айланиб ўтиш — сўнгра М-39 автомобиль йўли бўйлаб 865-километргача — 4Р186 йўлига чиқиш — Яллама божхона пости — Қозоғистон чегараси.

### 31-йўналиш — 347 км

Тожикистон чегараси — Жартепа (Самарқанд вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Тожикистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Жартепа божхона пости — А-377 — М-39 автомобиль йўллари бўйлаб 872-километргача — 4Р26 йўлига чиқиш — сўнгра 4Р24 — 4Р25 — 4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси.

**32-йўналиш — 554 км**

Тожикистон чегараси — Жартепа (Самарқанд вилояти) — Ойбек (Тошкент вилояти) — Андархон (Фарғона вилояти) — Дўстлик (Андижон вилояти) — Қирғизистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Жартепа божхона пости — А-377 — М-39 автомобиль йўллари бўйлаб 872-километргача — 4Р26 йўлига чиқиш — сўнгра 4Р24 — 4Р25 — 4Р20 автомобиль йўллари бўйлаб — Ойбек божхона пости — Тожикистон чегараси — Андархон божхона пости — А-376 — А-373 йўллари бўйлаб — Дўстлик божхона пости — Қирғизистон чегараси.

**33-йўналиш — 260 км**

Тожикистон чегараси — Жартепа (Самарқанд вилояти) — Яллама (Тошкент вилояти) — Қозоғистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Жартепа божхона пости — А-377 — М-39 автомобиль йўллари бўйлаб 865-километргача — 4Р186 йўлига чиқиш — Яллама божхона пости — Қозоғистон чегараси.

**34-йўналиш — 207 км**

Тожикистон чегараси — Ойбек (Тошкент вилояти) — Андархон (Фарғона вилояти) — Дўстлик (Андижон вилояти) — Қирғизистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Андархон божхона пости — А-376 — А-373 автомобиль йўллари бўйлаб — Дўстлик божхона пости — Қирғизистон чегараси.

**35-йўналиш — 103 км**

Тожикистон чегараси — Ойбек (Тошкент вилояти) — Яллама (Тошкент вилояти) — Қозоғистон чегараси.

Тожикистон чегараси — Ойбек божхона пости — 4Р20 — 4Р25 — 4Р24 — 4Р26 — М-39 автомобиль йўллари бўйлаб — М-39 нинг 865-километрида 4Р186 йўлига чиқиш — Яллама божхона пости — Қозоғистон чегараси.

**36-йўналиш — 310 км**

Қирғизистон чегараси — Дўстлик (Андижон вилояти) — Яллама (Тошкент вилояти) — Қозоғистон чегараси.

Қирғизистон чегараси — Дўстлик божхона пости — А-373 — А-376 автомобиль йўллари бўйлаб — Андархон божхона пости — Тожикистон чегараси — Ойбек божхона пости — сўнгра 4Р20 — 4Р25 — 4Р24 — 4Р26 — М-39 автомобиль йўллари бўйлаб — сўнгра М-39 нинг 865-километрида 4Р186 йўлига чиқиш — Яллама божхона пости — Қозоғистон чегараси.